



## ABOUT LEGAL AND REGULATORY BASICS OF CHOOSING NAMES FOR GEOGRAPHICAL OBJECT

**K.M. KHAKIMOV**

Associate Professor, PhD

Jizzakh State Pedagogical Institute

Jizzakh, Uzbekistan

E-mail: [hakimov\\_54@mail.ru](mailto:hakimov_54@mail.ru)

**Kh. XAKIMOV**

Researcher

Jizzakh Law College

Jizzakh, Uzbekistan

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** geographical object, name of place, geographical name, toponymic policy naming, re-naming, legal and regulatory documents, toponymy.

**Received:** 04.01.22

**Accepted:** 10.01.22

**Published:** 15.01.22

**Abstract:** In this article through clear examples analyzed legal and regulatory basics of choosing names for geographical objects and had given recommendations for rules and requirements of naming and renaming, resolving of existing problems in this sphere.

## ГЕОГРАФИК ОБЪЕКТЛАРГА НОМ ТАНЛАШНИНГ ХУҚУҚИЙ-МЕЬЁРИЙ АСОСЛАРИ ҲАҚИДА

**К.М. ХАКИМОВ**

Доцент, PhD

Жиззах давлат педагогика институти

Жиззах, Ўзбекистон

E-mail: [hakimov\\_54@mail.ru](mailto:hakimov_54@mail.ru)

**Х. ХАКИМОВ**

Тадқиқотчи

Жиззах юридик техникуми

Жиззах, Ўзбекистон

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** географик обьект, жой номи, географик ном, топонимик сиёсат, номлаш, қайта номлаш, хуқуқий-меъёрий хужжатлар, топонимия.

**Аннотация:** Мақолада географик обьектларга ном танлашнинг хуқуқий-меъёрий асослари ҳамда, номлаш ва қайта номлашнинг тартиб-тамойиллари ва уларга қўйилган талаблар, соҳадаги мавжуд муаммоларнинг ечимиға қаратилган тавсиялар аниқ мисоллар ёрдамида таҳлил қилинган.

## О НОРМАТИВНО-ПРАВОВОЙ ОСНОВЕ ВЫБОРА НАИМЕНОВАНИЙ ГЕОГРАФИЧЕСКИХ ОБЪЕКТОВ

**К.М. ХАКИМОВ**

доцент, PhD

Джиззакский государственный педагогический институт

Джиззак, Узбекистан

E-mail: [hakimov\\_54@mail.ru](mailto:hakimov_54@mail.ru)

**Х. ХАКИМОВ**

Исследователь

Джиззакский юридический колледж

Джиззак, Узбекистан

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** географический обьект, топоним, географическое название, топонимическая политика, нейминг, переименование, юридические документы, топонимия.

**Аннотация:** В статье анализируется нормативно-правовая база выбора наименований для географических объектов, а также принципы наименования и переименования и требования к ним, рекомендации по решению существующих проблем в данной области с помощью конкретных примеров.

### КИРИШ

Ҳар қандай давлат топонимик сиёсатида географик обьектлар номи тизимиға бефарқ бўйлумайди, уларни миллий қадриятларнинг ажралмас таркибий қисми сифатида, сақлаб

қолиш ва ривожлантиришга ҳаракат қиласи. Чунки маъмурый-худудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилот ва корхоналар, ижтимоий тармоқ объектлари, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа кўплаб географик объектларнинг номлари бевосита жамият манфаатлари учун хизмат қиласи.

Шунинг учун, сўнгти йилларда географик объектлар номига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда охирги йилларда қабул қилинган “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (2011 й.), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (2012 й. № 295, 2014 й. № 48) қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг (2020 й. ПФ-6084) фармони, давлат ижроия органлари учун аниқ мақсадларга йўналтирилган топонимик сиёсат юргизишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

### **АСОСИЙ ҚИСМ**

Географик объектлари номларига оид қонун, фармон ва қарорларни қабул қилиниши давр талаби билан боғлиқ ва муҳим сиёсий, ижтимоий, тарихий аҳамиятга молик иш ҳисобланади. Масалан, “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуннинг (2011 й.) қабул қилиниши:

- географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан янада тартибга солишга ҳамда соҳадаги қонун ости ҳужжатларнинг такомиллашувига;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча географик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш ишларининг мувофиқлаштирилишига;
- ҳалқнинг тарихи, маънавияти, маданияти билан боғлиқ номларни муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг асоссиз ўзгартирилишининг олдини олувчи қонуний асосларнинг вужудга келишига;
- географик объектларга ном беришда маҳаллийчилик, хизмат мавқенини сустеъмол қилиш каби салбий ҳолларга йўл қўймасликка;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида соҳага масъул қилиб белгиланган идоралар билан келишган ҳолда географик объектлар номларининг расмий каталоглари ва маълумотларини нашр этилишига;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча географик объектлар номининг ягона электрон базасини яратишга хизмат қилмоқда[1].

Энг аввало, ушбу қонуннинг қабул қилиниши географик объектларнинг номлари соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишни муҳимлиги, улардан тўғри фойдаланиш, жой номларини ҳалқимиз миллий ва маънавий меросининг таркибий қисми

сифатида сақлаш зарурлигини тасдиқлайди. Давлат тили қоида ва мөъёрларига мувофиқ келадиган, миллий қадриятларга мос ҳамда географик объектларга қўйиш тавсия этиладиган номларни яратиш имкониятини берди.

Мазкур қонун талабларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган қарорлар эса, мамлакатимиз топонимик сиёсатида юз бераётган ўзгаришларни ўз вақтида англаб етишни, минтақалар топонимиясидаги мавжуд муаммоларни мукаммал ўрганиш ва бартараф қилишни, янги географик объектларни номлашда халқимизнинг асрлар оша шаклланган ва такомиллашган анъаналарига, номшунослик қоидаларига қатъий амал қилишни назарда тутади[1]. Шу билан бирга, ушбу норматив ҳужжатлар географик объектларни номлаш ва қайта номлаш билан боғлик бўлган айрим номувофиқликларни тўла бартараф этади ва уларни стандартлаштириш имкониятини беради.

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бинобарин, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарайпти. Замонавий янги шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқ ва овуллар пайдо бўлмоқда. Улар билан бирга кўплаб тадбиркорлик объектлари, билим даргоҳлари, тиббий, маданий-маиший, савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари, маҳаллалар, кўчаю хиёбонлар бунёд этилмоқда. Уларнинг барчасига бежирим, чиройли, халқимизнинг кўп асрлик анъаналари ва минталитетига мос келадиган ном танлаш зарурати мавжуд[6].

Шундай экан, ҳар бир номловчи географик объектга ном танлашнинг ҳуқукий асослари, танлаш мезонлари, соҳага масъул давлат ташкилотлари ҳамда номловчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат эканлигини билиши зарур. Чунки соҳага оид қабул қилинган қонун ва қарорларнинг талабларини аниқ билмасдан туриб, мулк шаклидан қатъий назар географик объектларга ном танлашда хато ва чалкашликларга олиб келиши мумкин.

Шу сабабдан, бу ишга масъул бўлган шахслар камида соҳага оид қонун ва қарорлар талабларидан хабардор бўлиши шарт. Ном танлаётган вақтда, уларни ўтган авлодлар бизга қандай номларни мерос қилиб қолдиргану, биз келажак ворисларга қандай номларни қолдираяпмиз деган, андиша доимо безовта қилиши керак. Агар, номларнинг маънавий ва тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги, улар инсонларда фахр ва ғурур ҳиссини уйғотиб, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга хизмат қилишини инобатга олсак масъулият янада ҳам ошади[6].

Бинобарин, ном танлаш зарурияти пайдо бўлганда, биринчидан, соҳага оид ҳуқукий-мөъёрий ҳужжатлар билан яқиндан танишиши керак, иккинчидан, яхши ўйлаб, шошмасдан мулоҳаза қилиб иш тутган маъқул. Энг муҳими географик объектга ном маъмурий ташкилотлар қарори билан эмас, балки халқимизнинг қалб қўридан қайнаб

чиқиши керак, шунда ҳақиқий ном пайдо бўлади. Кўринадики, объектларга энг мақбул номни танлаш анча мураккаб масала. Шунинг учун, энг аввало, танлаган ном қуидаги талабларга жавоб бериши кераклигини унитмаслик зарур:

- географик объектга энг хос бўлган белгиларни акс эттириши;
- мазкур географик объект жойлашган ҳудуддаги топонимик тизимга мос тушиши;
- маҳаллий ахоли турмушининг географик, тарихий, миллий, этник, тилга оид ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиши;
- қоида тариқасида, қўпи билан учта сўздан иборат бўлиши[2].

Шу билан бирга, танланган ном содда, барчага тушунарли, реал ҳақиқатни акс этадиган, чуқур илмий, сиёсий, амалий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлишини унитмаслик даркор. Бу масалада номловчига энг яқин ҳамкор вилоят, шаҳар ва туман ҳокимиятлари қошида ташкил этилган географик объектларни номлаш ва қайта номлаш комиссиялари ҳисобланади. Доимий амал қилувчи ушбу комиссиялар таркибига кўпинча, соҳани яхши биладиган мутахассислар, олимлар, илм-фан, маориф, маданият муассасалари вакиллари жалб қилинган бўлади. Улар ҳар қандай географик объектга, уларнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар ном танлашда малакали ёрдам беришлари мумкин.

Бинобарин, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимиятидаги масъул шахслар янги ташкил қилинаётган географик объектларга ном танлашга жиддий эътибор қаратиб, мазкур комиссиялар ишини фаоллаштиришлари зарур бўлади. Комиссия аъзолари маҳаллий ҳокимият вакиллари бошчилигига нафақат янги объектларга ном ном танлашда кўмаклашиши, балки шаҳар ва туманлардаги барча географик объектлар номларини илмийлигини текшириб, уларнинг лотин алифбосида тўғри ёзилиши назорат қилмоғи лозим.

Энг аввало, ҳар бир номловчини ном танлаётганда ота-боболаримиздан бизга қандай номлар мерос қолгану, биз келажак авлодларга қандай номларни қолдираяпмиз деган, андиша доимо безовта қилиши керак. Бошқача айтганда, давлат тили қоида ва меъёрларига мувофиқ келадиган, миллий қадриятларга мос ҳамда географик объектларга қўйиш тавсия этиладиган номлар яратишда, шундай йўл тутмоқ лозимки, ҳар бир авлод вакили номлар орқали ўз она юрти тарихи, бугуни ва келажагини кўз олдига келтира олсин[7].

Шу билан бирга, янги яратилган номларни сақлаш ва муҳофаза қилиш ҳам ниҳоятда муҳим вазифа саналади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси «Географик объектларининг номлари тўғрисида» ги Қонунида (2011 й. № ЎРҚ-303) географик объектларнинг номлари давлат томонидан муҳофаза қилинади ва номларнинг бирини бошқасига ўзбошимчалик

билин алмаштиришга, географик объектларнинг бузиб кўрсатилган номларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди, деб аниқ белгилаб қўйилган[2].

## ХУЛОСА

Мазкур Конунда географик объектларнинг номларидан фойдаланилиши ва уларнинг сақланиши устидан назоратни белгиланган ваколатлар доирасида: давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари; республика комиссияси; Ўзбекистон Республикаси топонимика хизмати маркази; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Ном танлашда ҳудуднинг табиий шароити, иқтисодиёти, маҳаллий географик терминлари, аҳолининг тили ва шевалари, тарихи, этник таркиби каби омиллар асос бўлиб хизмат қилиши керак. Шу билан бирга, жой номининг маънавий ва тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги, улар инсонларда фаҳр ва ғуур ҳиссини уйғотиб, ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга хизмат қилиши керак. Энг муҳими ҳар бир географик ном бизнинг ўзлигимиз, миллийлигимиз ва бой тарихимиз кўзгуси эканлигини унутмайлик.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси "Географик объектларнинг номлари тўғрисида" ги 2011 йили № ЎРҚ-303 -сонли Қонуни
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Географик объектларнинг номлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида" ги 2012 йили № 295-сонли Қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" ги 2014 йили № 48-сонли Қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йили ПФ-6084 Фармони
5. Gudalov, M. (2022). Changes in water volume and environmental impact in the Aydar-Arnasay lake system. *Journal of Geography and Natural Resources*, 2(01), 1-9.
6. Караев С. Топонимия Узбекистана с топонимическим словарём. -Т.: 2015. 500 -стр.
7. Хакимов К.М. Миракмалов М.Т. Топонимика. Дарслик. -Т.; 2020. 355 -б.
8. Gudalov, M. (2022). Айдар-Арнасой кўллар тизимида сув ҳажмининг ўзгариши ва атроф-муҳитга таъсири. *Journal of Geography and Natural Resources*, 1(1).
9. Qorayev S. Toponimika. -T.: O'zbekiston faylasuflari Milliy jamiyati nashriyoti, 2006.-320 -b.

10. Gudalov, M., & Gozieva, M. (2021, February). Eco-Trail Routes In Zaamin National Park. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 68-71).
11. Hakimov Q. Toponimika. Darslik. -T.: “Mumtoz so’z”, 2016. 386-b.